

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ
МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ОРИПОВ ОҚИЛХОН ИЛЬЁС ЎҒЛИ

**COVID-19 БИЛАН БОҒЛИҚ КАВЕРНОЗ СИНУС ТРОМБОЗИ:
ОФТАЛЬМОЛОГИК БЕЛГИЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ,
ДАВОЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ**

14.00.08 – Офталмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Орипов Оқилхон Ильёс ўғли

COVID-19 билан боғлиқ каверноз синус тромбози: офтальмологик
белгиларининг хусусиятлари, даволаш ва профилактикаси 3

Орипов Оқилхон Ильёс угли

COVID-19 ассоциированный тромбоз кавернозного синуса: особенности
офтальмологических проявлений, лечение и профилактика 25

Oripov Okilkhon Iyos ugli

COVID-19 associated cavernous sinus thrombosis: features of ophthalmological
signs, treatment and prevention 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 50

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ
МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ОРИПОВ ОҚИЛХОН ИЛЬЁС ЎҒЛИ

**COVID-19 БИЛАН БОҒЛИҚ КАВЕРНОЗ СИНУС ТРОМБОЗИ:
ОФТАЛЬМОЛОГИК БЕЛГИЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ,
ДАВОЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ**

14.00.08 – Офталмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Tib1675 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг (www.eyecenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг (www.ziyo.net.uz) манзилларида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Билалов Эркин Назимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Астяхов Сергей Юрьевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Касимова Мунира Садикжановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бошқирдистон Давлат тиббиёт университети
(Россия Федерацияси)

Диссертация химояси Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «7» Август кунин соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100173, Тошкент ш., Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 14-уй. Тел/факс:(+99871) 217-49-34, (+99871) 217-49-37; e-mail: eyecenter@inbox.ru).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№016 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100173, Тошкент ш., Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 14-уй. Тел/факс:(+99871) 217-49-34, (+99871) 217-49-37; e-mail: eyecenter@inbox.ru

Диссертация автореферати 2022 йил «24» Март кунин тарқатилди.
(2022 йил «24» Март даги 169 рақамли реестр баённомаси)



М.Каримов

А.Ф. Юсупов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

Ш.А. Джамалова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Х. Каримова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарбиги ва зарурияти. 2020 йил 30 январда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) янги SARS-CoV-2 коронавирус инфекциясининг тарқалишини аҳоли саломатлиги учун фавқулодда ҳолат деб тан олди, 11 мартда эса унинг кўлами пандемия деб баҳоланди. Ушбу юқумли касаллик ҳақида билимларнинг тўпланиши каторида, қўзғатувчининг нафас олиш тизимини зарарлаши билан бирга тананинг бошқа тизимлари, шу жумладан кўриш органида ҳам кўплаб асоратларни келтириб чиқариши маълум бўлди. Жаҳон миқёсидаги илмий адабиётлар таҳлили натижаларига асосан, «...пандемиянинг бошида офтальмологларнинг асосий эътиборини коронавирус инфекцияси вақтида кўз юза қисмини ўзига хос шикастланиши жалб қилган бўлса, кейинчалик вирус тўр пардада, унинг томирларида ва кўрув нервида бир қатор патологик ўзгаришларни келтириб чиқариши маълум бўлди»¹. Ривожланиши, кечиши ва натижалари бевосита коронавирус инфекцияси билан боғлиқ бўлган энг ҳавфли офтальмологик асоратлар орасида COVID-19 билан боғлиқ бўлган каверноз синуснинг тромбози (КСТ) алоҳида ўрин тутди. КСТ жуда кам учрайдиган патология бўлиб, адабиётда кўплаб ҳолатларни таҳлил қилишга бағишланган илмий мақолалар деярли йўқ. КСТ ни охириги 2 йил давомида дунёнинг бир қатор давлатларида сезиларли даражада кўпайишининг кузатилиши ушбу патологияни ҳар томонлама чуқур ўрганилишини талаб қилади.

Жаҳонда COVID-19 нинг офтальмологик асоратларини ўрганишга бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада устувор вазифалар қуйидагилардан иборат: COVID-19 билан боғлиқ КСТ ривожланишнинг асосий омилларини аниқлаш; ушбу асоратнинг ривожланиш патогенезини асослаш; кўриш аъзосининг клиник ва функционал хусусиятларини баҳолаш; радиологик текширувлар ёрдамида ушбу патологияни эрта ташхислаш усулларини ишлаб чиқиш; даволаш самарадорлигини назорат қилиш мезонларини ишлаб чиқиш; профилактика чораларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш. Беморларни олиб бориш бўйича клиник кўрсатмаларни ишлаб чиқиш ва даволашни энг самарали усулини ишлаб чиқиш, ўлим даражасини ва кўриш функциясининг йўқолиши натижасида ривожланган ногиронликни камайишига ҳамда рецидивларни олдини олишга имкон беради.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий хизматни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳоли орасида кўз касалликларини олдини олиш борасида бугунги кунда қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...коронавирус инфекциясига қарши курашиш, даволаш ва асоратларини олдини олишнинг оптимал усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш фаолиятидаги ёндашувларни ҳамда санитария-эпидемиология хизматининг институционал асослари ва ташкилий тузилмасини ҳозирги мураккаб шароит ва орттирилган

¹ Douglas K.A., Douglas V.P., Moschos M.M. Ocular manifestations of COVID-19 (SARS-CoV-2): A critical review of current literature. // In Vivo. – 2020. - 34(3 Suppl). – P. 1619–1628.

тажрибалардан келиб чиқиб такомиллаштириш...»² каби қатор вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда ушбу илмий тадқиқотнинг мақсади юқоридаги вазифаларни ечимини топиш ва касалликни ташхислаш ва даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ҳамда аниқланган ҳавф омиллари асосида профилактика усулларини такомиллаштириш орқали COVID-19 билан боғлиқ бўлган КСТ билан касалланишни ва у билан боғлиқ бўлган ногиронлик ва ўлимни камайтиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдамни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4649-сон «Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. КСТ энг хавfli асоратлардан бири бўлиб, унинг юзага келиши юз-жағ соҳаси, орбита, қулоқ, бурунолди бўшлиқлари (паранасал синуслар) ва оғиз бўшлиғининг яллиғланиш касалликлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Илмий адабиётга биноан, КСТ барча тромботик асоратларнинг атиги 0.3-0.5% ни ташкил қилиб, жуда ҳам кам учрайдиган патология ҳисобланади. Маълумки бўлишича, ривожланган Европа мамлакатларидаги йирик кўп тармоқли клиникаларда 20 йил ичида бор-йўғи бир неча ўнлаб ҳолатлар тасвирланган. Шу туфайли илмий адабиётда фақат клиник вазият ёки вазиятлар тавсифи кўринишидаги нашрлар мавжуд [Берест И.Е., Миронец С.Н., 2017; Charbonneau F., Williams M., Lafitte F., 2013; Chen M.C., Но У.Н., 2019; Cho J.Y., Kim H.M., Ryu J.Y., 2015; Chick R.S., Glisson J.K., Pierce S., 2010; Fujikawa T., Sogabe Y., 2018]. Кўп сонли беморларни қамраб олувчи йирик клиник тадқиқот натижаларини илмий адабиётларда топиб бўлмайдди. Замонавий диагностика усулларининг жорий етилиши КСТ этиологияси, патогенези, клиник кўриниши ва кечиши ҳақидаги тушунчаларнинг кенгайишига ёрдам берди. Бироқ ушбу патологияда клиник симптомларнинг хилма-хиллиги ва унинг ташхисидаги мураккабликлар кўпинча тўғри ташхис қўйилишига тўсқинлик қилади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, одатий радиологик контраст текширувларда,

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июльдаги ПФ-6035-сон «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони.

контраст моддасининг нотекис тақсимланиши ўрганишда контрастнинг нотекис тақсимланиши сохта ижобий ёки сохта салбий натижаларга олиб келиши мумкин, бу эса радиологик тадқиқотлари маълумотларини клиникага таққослашни талаб қилади [Ahmadi J., Keane J.R., Segall H.D., 1985; Cho M.Y., Park S.H., 1994; Dinaker M., Sharabu C., Kattula S.R., Kommalapati V., 2014; Dolapsakis C., Kranidioti E., 2019; Frank G.S., Smith J.M., Davies B.W., Mirsky D.M., Hink E.M., Durairaj V.D., 2015; Fujikawa T., Sogabe Y., 2018]. Шуниси ахамиятлики, КСТ нинг ўзига хос клиник белгиларининг намоён бўлиши, жараённинг қайтмас ҳолга келиши ва кўриш анализаторининг функционал қобилияти йўқолиши ривожланишига олиб келиши мумкин. Шу муносабат билан ҳозирги вақтда КСТ эрта ташхислаш масалалари долзарблигича қолмоқда.

Бугунги кунга қадар COVID-19 туфайли юзага келган КСТ хусусиятлари деярли ўрганилмаган, чунки илмий адабиётларда коронавирус инфекцияси туфайли ушбу патологик ҳолатнинг юзага келишига бағишланган бор йўғи бир-нечта алоҳида ишлар мавжуд. Беморларнинг катта гуруҳи билан КСТ патологиясини тўлиқ таҳлил қилиш фақат ҳиндистонлик олимлар томонидан амалга оширилди, бу ерда ушбу асоратнинг ривожланиши замбуруғ инфекцияси - мукормикоз билан боғлиқ эди. Тақдим этилган концепцияга кўра КСТ, COVID-19 билан боғлиқ мукормикознинг асорати ҳисобланиб, бош мия, юз-жағ соҳаси, орбита каби тузилмаларнинг замбуруғли зарарланиши ҳисобланади [Honavar S.G., 2021; John T.M., Jacob C.N., Kontoyiannis D.P., 2021; Mekonnen Z.K., Ashraf D.C., Jankowski T., Grob S.R., Vagefi M.R., Kersten R.C., 2020; Mehta S., Pandey A., 2020; Patel S., Nintaware A.Z., Pawar R.T., 2021].

Пандемия даврида мамлакатимиз олимлари ҳам коронавирус инфекциясининг офтальмологик кўринишларини ўрганишга бағишланган бир қатор илмий ишларни амалга оширдилар, шунингдек, COVID-19 билан боғлиқ бўлган каверноз синус тромбозининг клиник ҳолатлари тавсифларини эълон қилишди [Бахритдинова Ф.А., 2020, Касимова М.С., Хамраева Г.Х., 2020, Боймурадов Ш.А., 2020].

Юқоригилардан келиб чиқиб, Республикамизда рўйхатга олинган ҳолатларнинг етарлича кўплиги COVID-19 билан боғлиқ каверноз синус тромбозининг офтальмологик асоратларини ҳар томонлама чуқурроқ ўрганиш ва беморларни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикаси учун керак бўлган махсус клиник тавсияларни ишлаб чиқиш зарурлигидан гувоҳлик беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси офтальмология кафедрасининг «Баъзи турдаги кўз касалликларининг ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш ҳамда янги дори воситаларини ишлаб чиқиш ва офтальмологик амалиётга тадбиқ қилиш» номли илмий-тадқиқот ишлари доирасида, ҳамда А-СС-202110145 «COVID-19 билан боғлиқ каверноз синус тромбозини ташхислаш, даволаш, прогнозлаш ва олдини олиш бўйича

комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш» амалий илмий-тадқиқот давлат гранти режасига мувофиқ амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади: COVID-19 билан боғлиқ каверноз синус тромбозини офтальмологик хусусиятларини ўрганиш ва даволаш ҳамда диагностик чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

COVID-19 билан боғлиқ каверноз синус тромбозининг офтальмологик симптомлари ва клиник полиморфизми хусусиятларини баҳолаш;

COVID-19 билан боғлиқ каверноз синус тромбози ривожланишининг асосий хавф омилларини ва даволаш динамикасининг асосий лаборатория кўрсаткичларини аниқлаш;

COVID-19 билан боғлиқ каверноз синус тромбозини эрта ташхислаш усулини ишлаб чиқиш, амалга ошириш, ва сезгирлигини баҳолаш;

COVID-19 билан боғлиқ каверноз синус тромбозида консерватив ва хирургик даволаш усулларининг самарадорлигини баҳолаш;

олинган натижалар асосида, COVID-19 билан боғлиқ каверноз синус тромбозли беморларни даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2020 йил июль ойидан 2021 йил октябрь ойигача бўлган даврда Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасида ҳамда COVID-19 билан боғлиқ каверноз синус тромбози ташхиси билан даволанган 102 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети COVID-19 билан боғлиқ каверноз синус тромбози бўлган беморларни ўрганишнинг клиник, лаборатория ва инструментал усуллари натижалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумий (визометрия, офтальмоскопия, биомикроскопия, тонометрия) ва махсус (экзофтальмометрия, оптик когерент томография) офтальмологик усуллар, шунингдек радиологик диагностика усуллари (магнит-резонанс томография (МРТ) ва компьютер томографияси (КТ)) ва қоннинг лаборатор анализларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

COVID-19 билан боғлиқ каверноз синус тромбози ривожланишининг асосий хавф омиллари, офтальмологик кўринишлари, клиник полиморфизми ва синдромли вариантлари билан касалланиш ҳолатлари аниқланган;

МРТ текширувининг юпқа кесмали (0,6-1,5 мм) TSE ва Dark Fluid T2 режимларида COVID-19 билан боғлиқ каверноз синус тромбозини визуализация қилиш, уни эрта аниқлаш, ўз вақтида даволаш ва оғир асоратларини олдини олишга ёрдам бериши самарадорлиги исботланган;

COVID-19 билан боғлиқ каверноз синус тромбозини даволаш самарадорлигининг лаборатория кўрсаткичлари аниқланган ва асосланган;

COVID-19 билан боғлиқ каверноз синус тромбози билан оғриган беморларда орбитадаги йирингли яллиғланиш жараёнининг ривожланиши пайтида унинг медиал девор орқали эндоскопик декомпрессия усулидан фойдаланиш эндофтальмит ва панофтальмит ривожланиш хавфини

камайтириши, бу эса кўз олмасини орган сифатида сақланишига ёрдам бериши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

MPT текширувининг юпқа кесмали (0,6-1,5мм) TSE Dark Fluid T2 режимини қўллаш орқали COVID-19 га боғлиқ каверноз синус тромбозини эрта визуализация қилиш усули ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ қилинган.

MPT текширувининг юпқа кесмали (0,6-1,5мм) TSE Dark Fluid T2 режимини қўллаш орқали COVID-19 билан боғлиқ каверноз синус тромбози билан касалланган бемоларда визуализация қилиш пайтида интраорбитал тузилмалардаги ўзига хос ўзгаришларнинг MPT – семиотикаси таклиф этилган ва тадбиқ қилинган.

COVID-19 билан боғлиқ каверноз синус тромбози билан оғриган беморларда орбитадаги йирингли яллиғланиш жараёнининг ривожланиши пайтида унинг медиал девор орқали эндоскопик декомпрессия усули тадбиқ қилинган;

жарроҳлик усулини қўллашдан олдин мақсадли лаборатор кўрсаткичларга эришишга қаратилган консерватив терапияни қўллаш тактикаси такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланиш жараёнида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник, офтальмологик, нур ташхислаш, лаборатор ва статистик тадқиқот усулларига асосланилганлиги, COVID-19 билан боғлиқ каверноз синус тромбозида кўриш аъзоси ўзгаришларини ташхислаш ва даволашнинг ўзига хослиги ва ташхислаш натижалари ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти офтальмологияда COVID-19 билан боғлиқ каверноз синус тромбозли беморларнинг кўрув аъзоси клиник-функционал хусусиятларини баҳолаш ва ташхислашнинг замонавий ютуқларига катта хисса қўшилганлиги, ҳамда ушбу касалликни ривожланишида келиб чиқадиган турли хил асоратларни даволаш тамойиллари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти замонавий диагностик текширувларга асосланганлиги, COVID-19 билан боғлиқ каверноз синус тромбозини ташхислашда TSE ва Dark fluid T2 MPT режимларида юпқа кесмаларни (0,6-1,5 мм) қўллаш асосида эрта ташхис қўйиш усули ишлаб чиқилганлиги, клиник-лаборатор мезонларга таяниб қиёсий ташхислаш ва даволаш алгоритмлари ишлаб чиқилганлиги, кўриш функциясини тиклаш, кўз олмасини орган сифатида сақлаш ҳамда беморларнинг ҳаётини сақлаб қолиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий этилиши. COVID-19 билан боғлиқ каверноз синус тромбозида диагностика, даволаш ва профилактика усуллари ишлаб чиқиш бўйича бажарилган илмий тадқиқотлар натижалари асосида:

«COVID-19 билан боғлиқ каверноз синус тромбозининг нур ташхиси» номли услубий тавсиянома ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 11 мартдаги 8н-д/209-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома COVID-19 билан боғлиқ каверноз синус тромбози белгиларини нур ташхиси ёрдамида эрта аниқлашни самарали амалга ошириш имконини берган;

«COVID-19 билан боғлиқ каверноз синус тромбозини хирургик даволаш усули» номли услубий тавсиянома ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 11 мартдаги 8н-д/210-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома COVID-19 билан боғлиқ каверноз синус тромбозининг хирургик даволаш усулининг натижаларини тақдим этиб, йирингли яллиғланиш жараёнини бартараф этиш ва септик асоратларнинг кейинги ривожланиши билан унинг тарқалишини олдини олишнинг самарали амалга ошириш имконини берган;

«COVID-19 билан боғлиқ каверноз синус тромбозининг эрта нур ташхис усули» учун Халқаро интеллектуал мулк агентлигининг муаллифлик гувоҳномаси олинган («Method of early imaging in COVID-19 associated thrombosis of the cavernous sinus». The owner of «INTEROCO International Online Copyright Office». №EC-01-003382; 12 October 2021. European Depository. Germany, Berlin). Мазкур усул COVID-19 билан боғлиқ каверноз синус тромбозида МРТ текширувининг юпқа кесимли 0,6-1,0 мм TSE Dark Fluid T2 режими бўлиб, орбитал томирлар ва орбитанинг ўзгарган структуралари даражасида тромбни визуализация қилишдан иборат ва ўз вақтида ташхис қўйиш ва тегишли даволашни бошлашнинг самарали имконини берган;

COVID-19 билан боғлиқ каверноз синус тромбози: кечиш хусусиятлари, даволаш ва профилактикасига қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, шу жумладан Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий - амалий тиббиёт марказининг Термиз ва Бухоро филиаллари амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 18 июндаги 8н-д/193-сон маълумотномаси). Олинган натижаларни амалиётга татбиқ этиш COVID-19 билан боғлиқ каверноз синус тромбози бўлган беморларни ташхислаш сифатини яхшилаш ва даволаш самарадорлигини оширишга имкон берди, бу эса асоратларни ҳамда ўлим фоизини 2,4 баробар камайтиришга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 8 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 6 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш нашр этилган, шу жумладан 5 та мақола, улардан 3 таси республика ва 2 таси халқаро журналларда, барчаси

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган илмий изланишнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган бўлиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари аниқлаб берилган, ишнинг Ўзбекистон Республикаси фан-техника тараққиётининг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги ва уларнинг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг тиббиёт амалиётига тадбиқ этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«COVID-19 нинг офтальмологик асоратлари. Каверноз синус тромбозининг этиопатогенези, клиникаси, диагностикаси ва даволаш бўйича замонавий тушунча (адабиётлар шарҳи)»** деб номланган биринчи боби икки бўлимдан иборат бўлиб, КСТ эпидемиологияси, этиопатогенези, клиник кечиши, диагностикаси ва даволаш ҳақида маълумот беради. Коронавирус инфекциясининг офтальмологик асоратларига бағишланган адабий манбалар таҳлили ҳақида батафсил маълумот берилган.

Диссертациянинг **«Материал ва тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари баён этилган. Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасида ва ООО “ProfMedService” клиникасида 2020-2021 йиллар оралиғида даволанган COVID-19 билан боғлиқ каверноз синус тромбози билан касалланган беморларни ўрганиш маълумотлари келтирилган.

Шикоятлари, касаллик анамнези, меҳнат ва яшаш шароитлари, ҳамда ёндош касалликлар барча беморларда диққат билан ўрганилди. Тадқиқотда умумий (визометрия, офтальмоскопия, биомикроскопия, кўзнинг ҳаракатларини баҳолаш) ва махсус (оптик когерент томография) офтальмологик тадқиқот усуллари, радиологик текширув усуллари (МСКТ, МРТ) ва лаборатория тадқиқот усуллари (ИФА, биокимёвий қон таҳлиллари, коагулограмма) ўтказилди.

Тадқиқот давомида олинган маълумотлар статистик ишлов бериш учун Intel Core i3 шахсий компьютерида, статистик ишлов бериш учун ўрнатилган махсус функцияларни ўз ичига олган Microsoft Office Excel-2016 стандарт офис дастурлари пакетидан фойдаланиб амалга оширилган.

Диссертациянинг **«COVID-19 билан боғлиқ каверноз синус тромбозининг клиник кечиши хусусиятлари»** деб номланган учинчи

бобида касалликнинг клиник кечишининг ўрганиш натижалари, офтальмологик белгиларнинг хусусиятлари, беморларнинг лаборатория кўрсаткичлари ва ташхис қўйиш усуллариининг баҳолашни ўрганиш натижалари келтирилган.

Беморлар сонининг етарлича кўплиги туфайли КСТ нинг алоҳида клиник шакллариининг тарқалишини ўрганишга қизиқиш уйғотди (1-жадвал).

1-жадвал

COVID-19 билан боғлиқ каверноз синус тромбозининг клиник шакллариининг тарқалиши (n=102).

Клиник шакли	n	%
Олди каверноз синус синдроми	7	6,8%
Ўрта каверноз синус синдроми	8	7,8%
Орқа каверноз синус синдроми	13	12,7%
Тўлиқ каверноз синус синдроми	74	72,5%
Жами	102	100%

COVID-19 га боғлиқ КСТ нинг турли клиник шакллариининг тарқалиши таҳлили шуни кўрсатдики, кўп ҳолларда (72,5%) кўзни ҳаракатга келтирувчи барча нервларни ва учшоҳли нервнинг 1 ва 2 шоҳларини зарарланиши билан кечадиган тўлиқ каверноз синус синдроми қайд этилган. Каверноз синус олди синдроми 6,8% ҳолларда, ўрта каверноз синус синдроми – 7,8% ҳолларда ва орқа каверноз синус синдроми - 12,7% ҳолларда содир бўлган.

1-расмда COVID-19 билан боғлиқ КСТ бўлган беморларда асосий офтальмологик симптомларнинг тарқалиши кўрсатилган. Расмдан кўриниб турибдики, энг кўп учрайдиган аломатлар протоз ва тўлиқ офтальмоплегия 90% дан ортиқ ҳолларда кузатилган. Хемоз ва периорбитал селлюлит кўринишидаги симптомлар нисбатан камроқ тарқалган ва 50-60% ҳолларда кузатилган. 35,3% беморларда эндофтальмит ва 10,7% ҳолларда панофтальмит кузатилган. Увеит беморларнинг 51,9% да ривожланган. Беморларнинг 82,3% да параорбитал ҳудуд терисининг сезгирлигининг пасайиши кузатилди.

Таҳлил қилинган КСТ ҳолатлари ўзига хос клиник кечишга эга эди. Ривожланиш динамикасининг хусусиятларига ва патогномоник белгиларнинг ривожланиш вақтига кўра, каверноз синуснинг тромбозини асептик ва септик шаклга аниқ боғлаш мумкин эмас. Бир томондан, кечишнинг асептик вариантыга хос бўлган симптомларнинг босқичма-босқич ўсиши кузатилди ва у беморнинг коагулограмма маълумотлари билан ҳам тасдиқланади. Бошқа томондан, орбитанинг очилиши орбита флегмонасининг белгиларини кўрсатди, бу каверноз синуснинг септик тромбозининг ривожланишига олиб келган бўлиши мумкин. Бироқ, бу ҳолатда нима асосий эканлигини аниқлаш қийин: йирингли гемисинуситнинг ривожланиши ва уни орбитага ўтиши ёки каверноз синус тромбозининг ривожланиши ва кейинчалик йирингли-некротик жараённинг қўшилиши.



1- расм. COVID-19 билан боғлиқ каверноз синус тромбози билан оғриган беморларда асосий офтальмологик белгилар ва асоратларнинг тарқалиши (n=102).

Беморларнинг умумий клиник ва лаборатория параметрларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, COVID-19 билан боғлиқ КСТ ривожланиши кўпинча қуйидаги омиллар: қонда IgG, SARS Cov-2, гипергликемия, глюкокортикостероид (ГКС) терапияси 7 кундан ортиқ, нотўғри антикоагулянт терапия ва намланган кислород манбаларидан узок вақт фойдаланиш билан боғлиқдир.

Таклиф этилаётган КСТ визуализация усулининг самарадорлигини ўрганиш босқичида 30 та билан чекланган кузатувдаги беморларнинг натижалари олинди, улар текширув давомида тавсия этилган МРТнинг TSE ва Dark fluid T2 (0,6-1,0 мм) режимлар ёрдамида ва контрастли КТ орқали ўтказилди. КСТни нур билан визуализация усуллариининг самарадорлигини қиёсий баҳолаш учун сезгирлик кўрсаткичини ҳисоблаш амалга оширилди.

COVID-19 билан боғлиқ бўлган каверноз синус тромбози учун тавсия этилган тасвирлаш усулининг хусусиятлари. Умумий қабул қилинган визуализация усуллари асосида тромб борлигини ишончли аниқлаш ҳар доим ҳам мумкин эмаслиги ва контрастли модданинг нотекис тақсимланиши мумкинлиги бу эса ўз ўрнида текширув натижаларини нотўғри талқин қилинишига олиб келиши мумкинлиги сабабли, нафақат каверноз синусни, балки орбитал томирлар ва орбитал бўшлиқни ҳам ўрганишни ўз ичига олган

батафсилроқ визуализация усули таклиф қилинди. Усул 0,6-1,6 мм гача бўлган юпқа кесимларга эга TSE ва Dark fluid T2 махсус кетма-кетликларидан фойдаланишдан иборат.

T2 режими ёрдамида сезиларли даражада кучлантирилган уч ўлчамли юпқа кесимлар каверноз синусдаги ва унга яқин цистерналардаги бош мия нервларини яққол визуализация қилишга имкон беради. TSE ва MPT T2 режимида Dark fluid нинг махсус кетма-кетлиги орбиталар ва оптик нервларни визуализацияси учун стандарт воситалардир. Қоида тариқасида, текширувда қуйидаги стандарт параметрлар тўплами қўлланилади: TR - 9000 мс, TE - 105 мс, TI - 2500 мс, FOV - 230 мм, матрица 210 x 256, бурилиш бурчаги - 180°, кесим қалинлиги - 3 мм, кесимлар сони - 12, сканерлаш вақти - 4 мин 39 сек. Таклиф этилган усулнинг моҳияти шундан иборатки, кесимлар қалинлиги сезиларли даражада ўзгарганлиги интраорбитал тузилмаларни визуализация қилиш қобилиятини оширишга имкон берди. Ушбу режимдаги текширув орбитал венадаги тромбни, орбита бўшлиғидаги инфльтрацияни ва кўрув нервида шиш борлигини яққол аниқлаш имконини беради.

Бундай режимлардаги визуализациянинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- каверноз синус тромбозини унинг аниқ клиник кўриниши бошланишидан олдин эрта аниқлаш имконияти;
- контраст модда ишлатишга эҳтиж йўқлиги ва бемор учун тежамкорлиги;
- ўта юпқа кесим зарарланган томондаги орбитал венада турғунлик ёки тромб мавжудлигини аниқлашга имкон беради;
- МСКТ билан солиштирганда МРТ радиация олиш нуқтаи назаридан бемор учун зарарсиздир;

Ишлаб чиқилган визуализация усули учун Халқаро интеллектуал мулк агентлигининг муаллифлик гувоҳномаси олинган («Method of early imaging in COVID-19 associated thrombosis of the cavernous sinus». The owner of «INTEROCO International Online Copyright Office». №EC-01-003382; 12 October 2021. European Depository. Germany, Berlin) (2-расм).

МРТ визуализация усулининг самарадорлигини ўрганиш «AkfaMedLine» клиникасида Siemens (Германия) томонидан ишлаб чиқарилган 1,5 Тл магнит майдони индукциясига эга юқори майдонли томографда ўтказилди.

Тадқиқот шуни кўрсатдики, TSE ва Dark fluid T2 (0,6-1,0 мм) режимларида МРТда КСТ белгилари 30 та беморда аниқланган, яъни ўзига хос клиник белгилар мавжуд бўлганда ушбу усул учун сезувчанлик кўрсаткичи 100% ни ташкил этди. Контрастли КТ ўзига хос клиник белгилари бўлган 26 та беморда КСТ белгиларини аниқлади, яъни сезувчанлик кўрсаткичи 86,7% ни ташкил этди.

TSE ва Dark fluid T2 (0,6-1,0 мм) режимларида МРТ тасвирларини таҳлил қилиш асосида COVID-19 билан боғлиқ КСТ МРТ белгиларининг ўзига хос семиотикаси аниқланди:

- пара - ва ретробулбар тўқималарнинг шишиши;
- юқори орбитал венанинг кенгайиши, T2 да сигналнинг кучайиши;

- экстраокуляр мушакларнинг шишиши;
- кўз олмасининг олди томонга силжиши;
- T2 да гипоинтенсив майдонлар мавжудлиги билан каверноз синусдан нотекис сигнал;
- каверноз синуснинг кенгайиши;
- оптик нервнинг кенгайиши;
- периневрал субарахноидал бўшлиқнинг кенгайиши.

2-жадвалда 30 та беморда МРТ учун хос бўлган белгиларининг ҳар бирига нисбатан сезгирлик индексини ҳисоблаш натижалари кўрсатилган. Жадвал натижаларидан кўриниб турибдики, орбитанинг ўзини визуализация қилишда аниқланган ва интраорбитал тузилмаларнинг ўзгариши билан боғлиқ белгилар визуализация пайтида каверноз синуснинг ўзида аниқланган белгиларга нисбатан COVID-19 билан боғлиқ КСТда юқори сезувчанликка эга.


2-жадвал

COVID-19 билан боғлиқ КСТда МРТ белгиларининг сезгирлиги (n=30)


Белгилар	Сезгирлиги (%)
Пара - ва ретробульбар тўқималарнинг шишиши	93,3%
Юқори орбитал венанинг кенгайиши, T2да сигналнинг кучайиши	96,7%
Экстраокуляр мушакларнинг шишиши	70%
Кўз олмасининг олди томонга силжиши	90%
T2 да гипоинтенсив майдонлар мавжудлиги билан каверноз синусдан нотекис сигнал	80%
Каверноз синуснинг кенгайиши	73,3%
Оптик нерв ва периневрал субарахноидал бўшлиқнинг кенгайиши	76,7%
МРТ (TSE ва Dark fluid T2 (0,6-1,6 мм) ёрдамида визуализация усулининг умумий сезгирлиги	100%*

*- COVID-19 билан боғлиқ КСТ мавжудлигини тасдиқлаш ушбу аломатлардан камида 3тасининг мавжудлиги эди.


Олинган натижаларни, каверноз синуснинг мураккаб анатомик ва топографик локализацияси ундаги тромб борлигини етарлича аниқ визуализация қилишга имкон бермаслиги билан боғлаш мумкин. Шу муносабат билан, КСТ билан орбитани визуализация қилиш пайтида аниқланадиган белгилар кўпроқ маълумотга эга бўлиб, уларнинг ривожланиши орбитал венадаги турғун жараён ва орбитанинг юмшоқ тўқималари (пара- ва ретробульбар тўқималар, экстраокуляр мушаклар) шишиши билан боғлиқ. Шунингдек, орбита проекциясида соянинг бир жинсли эмаслигини фарқлаш унда инфилтрат мавжудлигини аниқлашга имкон беради. Шу билан бирга, унинг аниқ локализациясини аниқлаш, ҳатто юқори майдонли МРТ ёрдамида ҳам жуда қийин (2-расм).




А. Dark Fluid T2. Пара- ва ретробульбар тўқималарнинг шиш белгилари.




Б. Dark Fluid T2. Латерал ва медиал тўғри мушакларининг шиш белгилари.




В. Dark Fluid T2. Сигналнинг кучайиши ва юқори орбитал венанинг кенгайиши белгилари.



Г. TSE T2. Оптик нерв ва периневрал субарахноид бўшлиқнинг кенгайиши белгилари, орбитанинг орқа қисмида инфильтрация мавжудлиги.



Д. TSE T2. Гипоинтенсив майдонларнинг мавжудлиги билан каверноз синуснинг кенгайиши ва нотекис сигнал белгилари.



Е. МРТ – ангиография. Каверноз синусни контраст билан нотекис тўлиши, унинг бўшлиғида тромб борлигини кўрсатади.



Ж. Беморни ташқи кўриниши.

2-расм. Бемор А-ва, 58 ёш. (КТ №.11745). МРТ (TSE, Dark fluid T2 (0.6-1.6 мм) ва МРТ-ангио режимларда). Аксиал кесимлар. Хулоса: OD: COVID-19 билан боғлиқ КСТ (Джефферсон синдроми).

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ушбу кўриш модулидан фойдаланиш COVID-19 ўтказган ва бурундан нафас олиш қийинлашуви шикоятлари билан ётқизилган 14 та беморда орбитал вена проекциясида тромбоз ривожланишини каверноз синусга ўтишидан олдин аниқлашга имкон берди. Ушбу босқичда тромб ҳосил бўлишини аниқлаш ва эрта интенсив консерватив терапияни бошлаш беморда кўз олмасини орган сифатида сақлаб қолиш ва унинг функционал қобилиятини қисман сақлаб қолиш каби ижобий клиник натижага эришишга имкон берди. Шундай қилиб, тавсия этилган МРТ тасвирлаш усули (TSE ва Dark fluid T2 (0,6-1,0 мм) режимларида) ушбу асоратни эрта ташхислаш учун самаралироқ деган хулосага келишимиз мумкин, чунки бу белгилар визуализация учун суяк тузилмаларининг шикастланишидан анча олдин ривожланади ва МСКТдан афзалроқдир.

Диссертациянинг «COVID-19 билан боғлиқ бўлган каверноз синус тромбозини даволаш усуллари натижаларини баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобда некроэктомия ва орбитал декомпрессия билан функционал эндоскопик ринохуррургия (functional endoscopic sinus surgery – FESS) жарроҳлик кўринишида даволашни олган бир гуруҳ беморларнинг кузатув маълумотлари келтирилган. Беморларнинг чекланган намунасида COVID-19 билан боғлиқ каверноз синус тромбозидagi энуклеация ёки экзентрациянинг кўрсаткичлари ва самарадорлиги келтирилган (3-расм).

3 - ва 4 - жадваллардан кўриниб турибдики, консерватив терапия самарадорлигининг асосий мезонларини баҳолаш шуни кўрсатдики, жарроҳлик даволаш кўрсатилган, ammo амалга оширилмаган беморлар гуруҳида кузатувдан кейинги 3 ой ичида ўлим даражаси 83,3% тенг бўлган. Шу билан бирга, жарроҳлик амалиётни талаб қиладиган КСТ ривожланган беморлар гуруҳида шу кўрсаткич 0 тенг эди, бу КСТнинг асорати сифатида ривожланаётган йирингли-некротик жараён беморларнинг ўлимининг асосий омили эканлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, юз-жағ соҳаси (ЮЖС) да аниқ деструктив жараёнга эга бўлмаган беморлар гуруҳида патологик жараённинг соғлом кўзга ўтиши фақат битта беморда (7,1%), беморларнинг қиёсий гуруҳида эса

шунга ўхшаш ҳодиса кузатилган ҳолатларнинг ярмида (50%) кузатилган. Консерватив терапияга қарамасдан, ЮЖСда кенг тарқалган деструктив жараён фонида фронтал энцефалит ва қон кетишининг ривожланиши мос равишда 41,7% ва 33,3% ҳолларда кузатилган. ЮЖСда деструктив жараён бўлмаган гуруҳда бу асоратлар 7,1% ҳолларда ривожланган.



3-расм. Даволаш усулига қараб беморларнинг тақсимланиши (n=102).

I A гуруҳидаги КСТ асоратлари тарқалиш даражаси (n=14)

Кўрсаткичлар	n (%)
Ўлим	-
Патологик жараённинг соғлом кўзга ўтиши	1 (7,1%)
Йирингли-некротик жараённинг ривожланиш кўрчаткичи, яъни жарроҳлик даволаш учун кўрсатмалар пайдо бўлиши.	2 (14,2%)
Фронтал энцефалитнинг ривожланиши	1 (7,1%)
Антикоагулянт терапия фонида турли генез қон кетиши	1 (7,1%)

I B гуруҳидаги КСТ асоратлари тарқалиш даражаси (n=12)

Кўрсаткичлар	n (%)
Ўлим	10 (83,3%)
Патологик жараённинг соғлом кўзга ўтиши	6 (50%)
Йирингли-некротик жараённинг ривожланиш кўрсаткичи	-
Фронтал энцефалитнинг ривожланиши	5 (41,7%)
Антикоагулянт терапия фонида турли генез қон кетиши	4 (33,3%)

Шундай қилиб, консерватив терапия самарадорлигини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, жарроҳлик аралашувни талаб қиладиган ЮЖС ва орбитанинг оғир йирингли-некротик шикастланишлари ривожланмаган COVID-19 билан боғлиқ КСТ ҳолатларида рационал консерватив терапия ижобий динамикага ва КСТ асоратларининг ривожланишига йўл қўймасликга эришиш мумкин. Бундай ҳолда, даволаш самарадорлигининг асосий лаборатория кўрсаткичлари: 30 сек дан юқори қисман активлаштирилган тромбопластин вақти (ҚАТВ) кўрсаткичига эришиш; D-димерлар кўрсаткичининг 2 ёки ундан кўп марта камайиши; ферритин кўрсаткичининг 2 ёки ундан кўп марта пасайиши; прокальцитониннинг 0,25 мкг/л дан паст бўлиши эътиборга олиниши керак.

ЮЖС ва орбитада оғир йирингли-некротик жараёнлар ривожланадиган COVID-19 билан боғлиқ КСТ ҳолатларида консерватив терапия самарасиздир, чунки ўлим даражаси, патологик жараённинг соғлом кўзга ўтиш даражаси ва фронтал энцефалитнинг ривожланиш даражаси юқоридир. Шу муносабат билан, COVID-19 билан боғлиқ бўлган КСТнинг йирингли-некротик асоратлари бўлса, консерватив даво йирингли-некротик ўчоқларни йўқ қилиш учун тегишли анатомик тузилмаларда жарроҳлик амалиёт билан тўлдирилиши керак.

COVID-19 билан боғлиқ КСТ билан оғриган беморларда ЮЖС ва орбитадаги йирингли-некротик асоратларнинг юқори частотаси уларда консерватив терапиянинг самарасиз эканлигига олиб келди, бу эса ўлимнинг юқори даражасида намоён бўлди. Бу бурун бўшлиғи, параназал синуслар, юқори жағ, қаттиқ танглай ва орбитадаги

деструктив жараёни бартараф этишга қаратилган жарроҳлик даволаш усуллари жорий этишга туртки бўлди. Бундай ҳолатларда жарроҳлик амалиёти йирингли бўшлиқларни очиш, чиқиш йўллари яратиш ва некроэктомияга қаратилган. Бундай амалиёт патологик жараённинг соғлом кўзга, миянинг фронтал қисмига тарқалишига ва бошқа асоратларнинг ривожланишига олиб келувчи механизмнинг ишга туширувчиси бўлган инфекция ўчоғини йўқ қилишга имкон беради.

Эндоскопик орбитал декомпрессия ва анъанавий транскутан орбитотомия қилинган беморларни жарроҳлик даволаш натижаларини таққослаш 5-жадвалда келтирилган. Ушбу жадвалдаги маълумотларга кўра, орбитотомия учун унинг медиал девори орқали эндоскопик кириш энуклеация ёки экзентрацияни талаб қилиши мумкин бўлган эндофтальмит ва панофтальмитнинг асорат сифатида учраш частотасини камлиги билан боғлиқ. Ўлим даражасининг кам сонли тафовутига қарамай, эндоскопик ёндашув анъанавий транскутан орбитотомия билан солиштириганда беморларнинг кўпчилигида кўз олмасини сақлаб қолишга имкон беради.

5-жадвал

II B ва II C гуруҳларидаги беморларда жарроҳлик даволаш натижалари.

Кўрсаткичлар	II B гуруҳи. Некроэктомия ва орбитал декомпрессия билан FESS (n=12)	II C гуруҳи. Анъанавий орбитотомия (n=8)
Кейинги энуклеация	4 (33,3%)	4 (50%)
Кейинги экзентрация	1 (8,3%)	2 (25%)
Кўз олмасини сақлаб қолиш	7 (58,3%)	2 (25%)

ЮЖС ва орбитадаги йирингли-некротик жараённинг ривожланишида эндоскопик жарроҳлик даволашнинг жорий этилган усули ўлим даражасини, патологик жараённинг соғлом кўзга ўтиш ҳолатлар сонини, фронтал энцефалит, шунингдек эндофтальмит ва панофтальмит ривожланишини камайтиришга имкон берди. Шу билан бирга, тадқиқотлар беморларни олиб бориш ва уларни жарроҳлик амалиётига тайёрлашнинг оптимал тактикасини ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатди.

Ўлим даражаси ҳали ҳам юқори бўлганлиги сабабли, келгусида жарроҳлик даволашга кўрсатмаларни аниқлаш мақсадида янада мувофиқлаштирилган ёндашув қўлланила бошланди. ҚАТВ, D-димерлар, ферритин ва прокальцитониннинг мақсадли қийматларига эришилгунга қадар консерватив терапия давомийлигини оширишга қарор қилинди. Шу билан бирга, консерватив терапия курсининг самарадорлигини ошириш учун лаборатория мониторинги таҳлилларини ҳар 3 кунда 1 марта такрорлаш билан амалга оширилди. ҚАТВнинг 30 секунддан юқори кўтарилиши, D-димерлар кўрсаткичининг 2 ёки ундан

кўп марта камайиши; ферритин кўрсаткичининг 2 ёки ундан кўп марта пасайиши; прокальцитониннинг 0,25 мкг/л дан паст бўлиши билан ифодаланган беморнинг умумий соматик ҳолати барқарорлаштирилгач жарроҳлик амалиёти бажарилди.

Консерватив терапия курси 7 кундан 15 кунгача давом этди. Кузатувлар давомида соматик аҳволи нисбатан оғирроқ бўлган беморларда 8та ўлим ҳолати қайд этилган. 38 та беморда асосий лаборатория кўрсаткичларининг мақсадли кўрсаткичларига эришилди. 20 нафар беморга режали равишда некроэктомия билан FESS операцияси ўтказилди. 18 та беморда орбитал декомпрессия ва некроэктомия билан FESS операцияси ўтказилди.

3 ойлик кузатув натижалари шуни кўрсатдики, ўлим даражасини 31,5% га, патологик жараёнга ўтиш кўрсаткичи 5,2% га, фронтал энцефалит ривожланиши ҳолатлари 7,9% гача камайишига эришилди ва кейинги энуклеация 13,1%, экзентрация эса 5,2% ҳоллатларда талаб қилинди. Шу билан бирга, кўз олмаси 81,5% ҳоллатларда орган сифатида сақланиб қолинган (6-жадвал).

6-жадвал

III гуруҳда КСТ асоратлари тарқалиш даражаси ва жарроҳлик даволаш натижалари (n=38).

Кўрсаткич	n (%)
Ўлим	6 (15,7%)
Патологик жараённинг соғлом кўзга ўтиши	2 (5,2%)
Фронтал энцефалитнинг ривожланиши	3 (7,9%)
Кейинги энуклеация	5 (13,1%)
Кейинги экзентрация	2 (5,2%)
Кўз олмасини сақлаб қолиш	31 (81,5%)

6 ой давомида жарроҳлик муолажасини муваффақиятли ўтказган бир гуруҳ беморларни (n=32) кейинги кузатиш шуни кўрсатдики, бурун бўшлиқлари ва орбитада йиринг тўпланиши билан кузатилган рецидив ҳолатлари 6 та беморда (18,75%) кузатилган, бу эса қайта амалиётни талаб қилди. Ушбу маълумотлар шуни кўрсатадики, жарроҳлик даволашдан муваффақиятли ўтган беморлар узок муддатли кузатувга мухтож.

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари, ЮЖС ва орбитада йирингли-некротик жараёнларнинг ривожланиши билан кечадиган беморларда эндоскопик жарроҳлик даволаш усули ўлим даражасини, КСТ асоратларининг ва патологик жараённинг соғлом кўзда ривожланишини ишончли тарзда камайтириши мумкинлигин кўрсатади. Орбитанинг медиал девори орқали эндоскопик очилиши, ўз навбатида, орбитал декомпрессиянинг оптимал усули бўлиб, анъанавий транскутан орбитотомия билан солиштирганда, кўз олмасини олиб ташлашга бўлган талабнинг ишончли камайишига ва уни орган сифатида сақлаб қолишга

имкон беради. Шу билан бир қаторда, жарроҳлик амалиёти адекват консерватив терапиядан сўнг амалга оширилиши керак, унинг самарадорлиги мақсадли лаборатория кўрсаткичларига эришишдан иборатдир.

Олинган натижалар асосида COVID-19 билан боғлиқ КСТ билан касалланган беморларни олиб бориш учун асосий диагностика ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилди (4-расм). Алгоритм КСТ учун хавф омиллари бўлган беморларни аниқлаш ва энг кенг тарқалган клиник белгиларни эрта аниқлашга асосланган. Агар ушбу белгилар аниқланса, ташхисни тасдиқлаш учун таклиф қилинаётган эрта визуализация усулидан фойдаланиш тавсия этилади.

COVID-19 билан боғлиқ каверноз синус тромбозига шубҳа қилинганда



Қуйидаги белгиларнинг мавжудлиги: бош оғриғи, бурун битиши, юз ёки оғиз бўшлиғининг ярмида сезувчанликнинг йўқлиги, клиник белгилар ривожланишининг анамнезда коронавирус инфекцияси билан алоқадорлиги (2-5 ҳафта), қандли диабет, ГКС дори воситаларини узоқ муддат қўллаш, сунъий кислород билан таъминлаш учун дори воситаларни узоқ муддатли қўллаш



Қуйидаги симптомларнинг мавжудлиги: птоз, тўлиқ ёки қисман офтальмоплегия, экзофтальм, мидриаз, кўришнинг йўқлиги ёки пасайиши, параорбитал соха терисининг сезувчанлигини пасайиши, хемоз, периорбитал целлюлит



Нур текширув усуллари: МРТ (TSE ва Dark fluid (0,6-1,5 мм)) (мия синуслари, орбита ва кўрув нерви) Белгилари: пара- ва ретробульбар тўқималарнинг шишиши, кўздан ташқари мушакларнинг шишиши, кўз олмасининг олдинга силжиши, T2да гипоинтенсив сохалар билан биргаликда каверноз синусдан нотекис сигналнинг мавжудлиги, каверноз синуснинг кенгайиши, кўрув нерви ва периневрал субарахноид бўшлиқнинг кенгайиши




Интенсив терапия бўлимига госпитализация қилиш



Топ мутахассислар иштирокида беморни комплекс текшириш: офтальмолог, ЛОР, юз-жағ жарроҳи, нейрохирург, гематолог, эндокринолог, реаниматолог





4-расм. COVID-19 билан боғлиқ КСТ билан касалланган беморларни бошқариш учун диагностика ва даволаш алгоритми.

Олинган натижалар асосида COVID-19 билан боғлиқ КСТ билан касалланган беморларни бошқариш учун асосий диагностика ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилди (4-расм). Алгоритм КСТ учун хавф омиллари бўлган беморларни аниқлаш ва энг кенг тарқалган клиник белгиларни эрта аниқлашга асосланган. Агар ушбу белгилар аниқланса, ташхисни тасдиқлаш учун тавсия этилган эрта визуализация усулидан фойдаланиш тавсия этилади.

ХУЛОСА

Фалсафа фанлари доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун “COVID-19 билан боғлиқ каверноз синус тромбози: офтальмологик белгиларининг хусусиятлари, даволаш ва профилактикаси” мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

1. COVID-19 билан боғлиқ бўлган каверноз синус тромбози ушбу асоратнинг классик шаклларида фарқли равишда клиник полиморфизм ва кенг тарқалган йирингли-некротик жараённинг ривожланиши билан фарқланиши аниқланди.

2. COVID-19 билан боғлиқ каверноз синус тромбозининг ривожланиши қуйидаги омиллар: қонда IgG (SARS Cov-2) пайдо бўлиши, гипергликемия, 7 кундан ортиқ ГКС терапияси, олдинги рационал бўлмаган антикоагулянт терапия ва намланган кислород билан таъминлаш воситалардан узоқ муддат фойдаланиш билан боғлиқ эканлиги аниқланди.

3. МРТ нинг TSE ва Dark fluid T2 режимларидаги юпқа кесимлар (0,6-1,0 мм) ёрдамида сезгирлиги 100% ни ташкил этган, каверноз синуснинг COVID-19 билан боғлиқ тромбозини интраорбитал тузилмалардаги ўзгариш белгилари асосида эрта визуализация қилувчи усул ишлаб чиқилди ва клиник амалиётга жорий этилди.

4. COVID-19 билан боғлиқ бўлган каверноз синус тромбозидида ЮЖС ва орбитанинг оғир йирингли-некротик асоратлари ривожланмаган ҳолатларда рационал консерватив терапия ижобий динамикага эришишга ва унинг асоратларини юзага келмаслигига имкон беради. Бундай ҳолда, даволаш самарадорлигининг асосий лаборатор кўрсаткичлари: ҚАТВнинг 30 секунддан юқори кўтарилиши, D-димерлар кўрсаткичининг 2 ёки ундан кўп марта камайиши; ферритин кўрсаткичининг 2 ёки ундан кўп марта пасайиши; прокальцитониннинг 0,25 мкг/л дан паст бўлиши эътиборга олиниши керак.

5. Патологик жараённинг соғлом кўзга ўтиши, фронтал энцефалитнинг ривожланиши, охир-оқибат ўлим ҳолатлари юқори бўлишига олиб келадиган ЮЖС ва орбитада оғир йирингли-некротик жараёнлар ривожланган ҳолларда консерватив даво самарасиз эканлиги аниқланди. Шу муносабат билан, йирингли-некротик ўчоқларни йўқ қилиш учун, консерватив даво эндоскопик жарроҳлик амалиёти билан тўлдирилиши керак.

6. Олинган натижалар асосида COVID-19 билан боғлиқ бўлган каверноз синус тромбози билан оғриган беморларни олиб бориш алгоритми тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ МИКРОХИРУРГИИ ГЛАЗА**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

ОРИПОВ ОКИЛХОН ИЛЬЁС УГЛИ

**COVID-19 АССОЦИИРОВАННЫЙ ТРОМБОЗ КАВЕРНОЗНОГО
СИНУСА: ОСОБЕННОСТИ ОФТАЛЬМОЛОГИЧЕСКИХ
ПРОЯВЛЕНИЙ, ЛЕЧЕНИЕ И ПРОФИЛАКТИКА**

14.00.08 – Офтальмология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.1.PhD/Tib1675.

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации размещен на трех (узбекском, русском, английском (резюме)) языках на веб-странице Научного совета (www.eucenter.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Билалов Эркин Назимович
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Астахов Сергей Юрьевич
доктор медицинских наук, профессор
(Российская Федерация)

Касымова Мунира Садыкжановна
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация:

Башкирский государственный
медицинский университет
(Российская Федерация)

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре микрохирургии глаза, которое будет проведено «7» апреля 2022 года в 13⁰⁰ часов. Адрес: 100173, г. Ташкент, Учтепинский район, ул. Кичик халка йўли, 14. Тел/факс: (+99871) 217-49-34, 217-49-37, e-mail: eucenter@inbox.ru.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра микрохирургии глаза (зарегистрирована за № 016). Адрес: 100173, г. Ташкент, Учтепинский район, ул. Кичик халка йўли, 14. Тел/факс: (+99871) 217-49-34, 217-49-37; e-mail: eucenter@inbox.ru

Автореферат диссертации разослан «24» марта 2022 года.
(реестр протокола рассылки № 169 от «24» марта 2022 года).



А.Ф. Юсупов
Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских наук

Ш.А. Джамалова
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

М.Х. Каримова
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению научных степеней,
доктор медицинских наук, профессор

М.Х. Каримова

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. 30 января 2020 года Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ) признала вспышку новой коронавирусной инфекции SARS-CoV-2 чрезвычайной ситуацией в области общественного здравоохранения, а 11 марта ее масштаб распространения был расценен как пандемия. По мере накопления знаний о данном инфекционном заболевании стало очевидно, что помимо поражения дыхательной системы, возбудитель способен вызывать большое число осложнений со стороны других систем организма, в том числе и органа зрения. Согласно данным мировой литературы, «...в начале пандемии основное внимание ученых привлекали патологические изменения глазной поверхности при коронавирусной инфекции, в дальнейшем стало ясно, что вирус способен приводить к серьезным изменениям также и структур заднего отрезка глазного яблока, в том числе сетчатки, ее сосудов и зрительного нерва»¹. Среди наиболее значимых офтальмологических заболеваний, на развитие, течение и исход которых напрямую влияет коронавирусная инфекция, особое место занимает COVID-19 ассоциированный тромбоз кавернозного синуса (ТКС). Значительный рост заболеваемости данной патологией наблюдается в течение последних 2 лет в ряде стран мира, в том числе нашей Республике, что требует проведения глубокого комплексного исследования данной патологии.

